

ЖАМИЯТ ВА ШАХС МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА ЭСТЕТИК ВА БАДИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна,

ф.ф.н, доцент

Муминов Жахонгир Мадаминович

ФарДУ талабаси

Аннотация

Мазкур мақолада жамият ва шахс маънавий ҳаётида эстетик ва бадиий маданиятнинг ўрни, эстетик ва бадиий маданият тушунчаларининг бир-биридан фаолият турлари тарикасида тафовут қилиниши масалалари ёритилган.

Калит сўзлар:

фуқаролик жамияти, маънавий-ахлоқий қадриятлар, маънавий ҳаёт, эстетик ва бадиий маданият, эстетик қадриятлар, санъат, бадиий қадриятлар, бадиий-эстетик фаолият.

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы о роли эстетической и художественной культуры в духовной жизни общества и личности, а также разница между понятиями эстетической и художественной культуры как отдельных видов деятельности.

Ключевые слова:

гражданское общество, духовно-нравственные ценности, духовная жизнь, эстетическая и художественная культура, эстетические ценности, творчество, художественные ценности, художественно-эстетическая деятельность.

Annotation

In this article is written about the role of the aesthetic and artistic culture in the society and the life of person, problems the variety difference from each other of the artistic culture notions.

Key words:

Citizenship society, spiritual-normal cultures, spiritual life, aesthetic and artistic cultures, aesthetic traditions, art, artistic traditions, artistic-aesthetic activity.

Ўзбекистон Республикасининг янги тараққиёт босқичида бозор муносабатларига асосланган янги жамият мустақкам маънавий-ахлоқий қадриятлар негизида барпо этилиш шароитида маданиятни юксалтириш ислохотлар самарадорлигини ошириш, демократик тамойилларни қарор топтириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришда муҳим омиллардан бирига айланиб бормоқда. Табиийки, бундай шароитда инсондан катта қобилият, самарали меҳнат, чуқур тафаккур маданияти ва юксак эстетик дид талаб қилинади. Бундай фазилятларнинг шаклланишида бадиий ва эстетик маданият алоҳида ўрин тутди, зеро, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, эркин ва фаровон жамият қуришда «Ўзлимизнинг маънавий ҳамроҳига айлантирмасдан туриб, ана шу юксак марраларга эришимиз, ҳаётимизни янада мазмунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукамал қилишимиз мумкин эмас» [1].

Ижтимоий ҳаётимизнинг таркибий қисми ҳисобланган эстетик ва бадиий маданият, бир томондан, кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга, уларнинг ижодий салоҳияти ҳамда ахлоқий-эстетик юксалишига самарали таъсир кўрсатмоқда, бошқа томондан, ислохотлар шароитида унинг ўзи ҳам янгиланмоқда. Ўзбекистоннинг миллий тикланиши ва тараққиётида маънавиятнинг устуворлигига асосланган ижтимоий-фалсафий концепция жамият ривожланишини

таъминлашга йўналтирилган эстетик ва бадиий маданиятнинг ўрнини белгилаб беради. Бинобарин, бадиий маданият шахс камол топишининг барча босқичларида фалсафий, ахлоқий, эстетик ғояларни унинг қалби ва онгига сингдиришда, юксак инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришда муҳим руҳий-эмоционал омил бўлиб хизмат қилади. Республикамизда барпо этилаётган эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатнинг фаолияти барча соҳалар ривожланишини уйғунлаштириш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт яхлитлигини таъминлашда кўзга ташланади. Жамият билан шахс маданияти, уларнинг ўзаро диалектик алоқадорлигини қарор топтириш ислохотларни маънавий мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Маънавиятга асосланган бозор муносабатларига ўтиш шароитида шахснинг маданий эҳтиёжларини қондиришда янги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-эстетик тамойиллар юзага келмоқда. Айниқса, бадиий фаолият соҳалари моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга, замон талабларига мос жиҳозлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Зеро, мустақиллик шароитида инсоннинг ўз қобилияти, иқтидори, истеъдоди ва умуман эркин бадиий ижодий фаолиятини ривож топтириш учун етарли объектив ва субъектив шароитлар юзага келмоқда. Шунингдек, ҳар бир давр шахсни ўзининг ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий ва маданий манфаатларидан келиб чиқиб, муайян билимлар, тамойил ва хулқ-атвор қоидалари асосида тарбиялайди. Бу нарса миллий тараққиётнинг ўзига хос йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ўта муҳим.

Бадиий маданият соҳаси шундайки, унда биргина эстетик маданият эмас, балки ахлоқий, билиш, ташкилотчилик маданияти элементлари ҳам иштирок этади. Бундан ташқари, бадиий маданият соҳасида яна ижодий меҳнат, бадиий қадриятларни ўзлаштириш маданиятига хос бўлган жиҳатлар ҳам ифодаланади. Бадиий адабиёт, ранг тасвир санъати, мусиқа ва бошқаларда инсоннинг нафақат эстетик, шу билан бирга гносеологик, ташкилотчилик эҳтиёжлари ва қобилиятлари ҳам иштирок этади.

Халқ мулкига айланган ижтимоий-бадиий ҳодиса сифатидаги эстетик маданият негизини бадиий маданият ташкил этади. Бинобарин, бадиий маданият бу - эстетик қадриятларнинг олий шаклини гавдалантирадиган бадиий қадриятлар соҳасидир.

Фаолият қонуниятлари ва ўзига хос ривожланиш шакллари эга бўлиши тарафидан эстетик маданият бадиий маданиятдан фарқ қилади. У санъат, шунингдек, эстетик қараш, дид ва манфаатлар, нафосат тарбияси амалиёти талабидан келиб чиқиб, табиий муҳит, турмуш, ижтимоий муносабатларни ўзлаштириш жараёнида шаклланади. Кўринадик, эстетик маданият нафақат бадиий, шу билан бирга, меҳнат фаолияти, турмуш, ташқи оламга ҳиссий-эмоционал муносабатда бўлишни ҳам қамраб олиши билан кенг маънога эгадир. Шунга мувофиқ, мазмунан ва ҳажман «эстетик маданият» ва «бадиий маданият» тушунчалари бир-биридан фарқланади.

Улар бир-биридан фаолият турлари тарикасида ҳам тафовут қилиб, жамият ҳаётида турлича роль ўйнайди. Буни биз бадиий ва эстетик қадриятларни ўзаро таққосланганда кўришимиз мумкин. Бадиий қадриятлар ҳамма вақт ижодий фаолиятнинг конкрет маҳсули-санъат асарлари яратилиши, тақсимланиши ва ўзлаштирилишига асосланади, эстетик қадриятлар эса моҳиятан умумийроқ бўлиб, табиат нарса-ҳодисалари ёки ранг-баранг меҳнат маҳсулотларидан ҳиссий таъсирланишда, эҳтиёжларни қондиришда ўзига хослик билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, «эстетик маданият» ва «бадиий маданият» тушунчаларини қиёсий таҳлил этиш, бир томондан, уларнинг соҳаларини чегаралаб олишга, иккинчи томондан, жамият маънавий ҳаётини ривожлантиришда ўзига хос ўрнини белгилашга имкон беради. «Агар бошқа соҳаларда эстетик компонент иккиламчи аҳамиятга эга бўлса,- деб ёзади М.Абдуллаев, - бадиий маданиятда у етакчи ўрин тутаяди. Бадиий маданиятнинг моҳиятини эстетик фаолиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу нарса фаолият субъектига ҳам, унинг фаоллик шаклларига ҳам, фаолият натижаларига ҳам, объектига ҳам бирдай дахлдордир» [2].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10- т. – Т.: Ўзбекистон, 2003.- Б.305.
2. Абдуллаев М. Эстетическая культура.- Ташкент: Фан, 1991.- С.62